



**REGULATION OF TRANSACTIONS IN THE FIELD OF ELECTRONIC
COMMERCE IN UZBEKISTAN**

Abdurahmanov Abdumutal Abdujabborovich

Master of Business Law, National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Abstract

Currently, communication and the Internet are widely used throughout the world, which makes it possible to use the electronic circulation of many documents. The epidemiological situation that has developed in the world has significantly accelerated the process of electronic exchange of documents in all areas of government activity. We can say that the current epidemiological situation has prompted the business sector to actively respond to the changed situation and change the conditions and forms of relationships between business participants. The rapid development of e-commerce has led to an increase in the number of transactions both in international trade and in the domestic market. the development of e-commerce, the legal support of new trading channels for a number of segments of this institution, the features of the legal support of electronic payments, the creation of a legal regime for new e-commerce institutions, such as smart contracts, the issues of cryptocurrencies, NFTs, the participation of artificial intelligence in the economic activities.

Keywords: Electronic commerce, electronic transaction, electronic document, contracts, electronic data interchange, digital signature.

Introduction

Электрон тижоратнинг жадал ривожланиши халқаро савдода ҳам, ички бозорда ҳам битимлар сонининг кўпайишига олиб келди. Ҳозирги кунда электрон тижоратнинг ривожланиши, ушбу институтнинг бир қатор сегментлари учун янги савдо каналларини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, электрон тўловларни амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш хусусиятлари, смарт контрактлар, криpto-валюталар, NFT, иқтисодий фаолиятда сунъий интеллектнинг иштироки каби электрон тижоратнинг янги институтлари ҳуқуқий режимини яратиш масалалари кенг ўрганилмоқда. Тижорат фаолияти соҳасида замонавий технологияларнинг жорий этилиши глобал алоқа тармоқларидан фойдаланишини оширишга хизмат қилмоқда. Ҳозирги вақтда дунёдаги энг йирик компанияларнинг аксарияти анъанавий савдо усуллари билан бир қаторда электрон тижоратдан фойдаланадилар. Баъзи тадқиқотларга қўра, ҳозирда дунё аҳолисининг 53 фоизи [1] Интернет орқали харидларни амалга оширади ва бу кўрсаткич доимий равишда ўсиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимиға интеграциялашуви муқаррар равишда компаниялар томонидан нафақат ташки, балки ички бозорларда ҳам тегишли технологиялардан фойдаланишини талаб қилмоқда. Электрон тижоратни



ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3724-сонли қарорига мувофиқ давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси мақсадларидан бири сифатида (25-мақсад) белгиланишига хизмат қилди [2].

Ўзбекистонда қонунчилик ва ҳуқуқий назария АҚТ, халқаро электрон айланманинг жадал суръатларда ривожланишидан ортда қолмоқда. Шу билан бирга, электрон муомалани қонунчилик билан тартибга солиш уни қўллаш амалиётидан анча орқада қолмоқда, бу жиддий илмий тушунишни талаб қиласидан ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларни келтириб чиқарди. Ҳуқуқий тузилмаларнинг мураккаблиги ва янгилиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашув йўқлигига олиб келди, бу эса бир қатор ҳуқуқий бўшликлар ва коллизияларни келтириб чиқарди. Электрон тижорат жараёнида шартномалар тузиш янги, номланмаган шартномалардан фойдаланишни талаб қиласиди. Электрон тижорат билан боғлиқ муносабатларнинг етарли даражада ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги айrim ҳаракатларни битимлар сифатида квалификация қилишда кийинчиликларга олиб келади. Ушбу кўплаб муаммолар нафақат Ўзбекистон қонунчилигига юзага келмоқда шунингдек айrim хорижий ҳуқуқий тизимларда электрон операцияларни тартибга солишни оптималлаштиришга қаратилган қонунчилик ислоҳотлари аллақачон амалга оширилган бўлиб бу борада муҳим халқаро актлар мавжуд. Юкорида айтилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ушбу мавзуси жуда долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда электрон соҳасидаги битимларни умумам олганда электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари нисбатан кам ўрганилган. Мамлакатимизда бу турдаги ижтимоий муносабатлар ўзининг шаклланиш жараёнидадир. Олимлар, иқтисодчилар ва ҳуқуқшунослар электрон тижорат соҳасида юзага келадиган муайян муаммоларга эътибор беришмоқда. Бироқ олимларнинг электрон тижорат муаммосига бўлган қизиқишига қарамай, шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда электрон тижорат соҳасида тузилган битимларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мантиқий изчил яхлит назарий концепцияси мавжуд эмас, бу эса қонунчиликни такомиллаштиришга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг таркибий қисмларидан бири тадбиркорлик фаолиятининг инновацион таркибий қисмини такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага рақамли технологияларни жадал жорий этишни таъминлашдан иборат. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 28-апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукumatни кенг жорий этиш

чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори[3] имзоланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур хужжат 2017–2021–йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини



амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда ушбу соҳадаги қонунчиликнинг бирламчи кўриниши 2000-йилларнинг иккинчи чорагида шаклланган дейишимиз мумкин. Электрон тижорат фаолиятининг асосий тушунчалари ва қоидаларини белгилаб берган асосий хуқуқий хужжат Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуни ҳисобланади.

“Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуннинг биринчи таҳрири 2004-йилда [4] қабул қилинган бўлса, 2022-йилда янгиси тасдиқланган. Қонуннинг 2004 йилги нашри 14 та моддадан иборат бўлса, ҳозиргиси 33 та моддадан иборат. Унда биринчи марта электрон тижорат принциплари (4-модда), Электрон тижоратни амалга ошириш жараёнлари (18-модда), Электрон тижоратда нуқсонли товарни алмаштириб бериш ва (ёки) товарнинг нуқсонларини бартараф этиш (26-модда) каби масалалар ўз аксини топган.

Бугунги қунга келиб, Ўзбекистонда давлат органлари электрон тижоратни ривожлантиришда, дунё тажрибасида кенг қўлланилган қуидаги тамойилларга амал қилишмоқда:

электрон тижоратни ривожлантиришда корпоратив сектор фаол рол ўйнаши лозим;

электрон тижоратга нисбатан, давлат органлари томонидан асосланмаган турли чекловлар қўйилишига йўл қўйилмаслик лозим;

давлат ҳокимияти электрон тижорат жараёнига, ушбу соҳа субъектларини қўллаб-кувватлаш ва хуқуқ базасини такомиллаштириш мақсадида аралashiши мумкин; электрон тижоратни бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиша давлат ҳокимияти Интернетнинг ўзига хосликларини инобатга олиши лозим; электрон тижорат жараёни маъмурий-худудий бўлиниш ва давлат чегараларига боғлиқ бўлмаган равишда, глобал миқёсдасодир бўлиши лозим[5].

Афсуски, бугунги қунда ҳам электрон тижорат билан боғлиқ ихтисослаштирилган қоидаларнинг жуда чекланган сонини таъкидлаш мумкин. Шундай қилиб, масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 366-моддасида ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта хужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки хужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида хужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 107-моддасида битим шаклини очиб берувчи битимнинг ёзма шаклда тузилиши электрон ёки бошқа техник воситалардан фойдаланган ҳолда битим тузишга тенглаштирилганлиги тўғрисида норма йўқ[6]. Шунингдек ушбу модданинг 3-қисмида хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хоҳиши-иродасининг мазмунини ифодалайдиган бошқа хужжатларни ўзаро айирбошлиш, агар қонунчилиқда ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёзма шаклда тузишган битимга тенглаштирилади деб белгилаб қўйилган [7]. Электрон тижорат соҳасидаги алоқалар 2000-йилларда кўриб чиқилаётган даврда



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига электрон тижорат битимларининг хусусиятлари бўйича тегишли қўшимчалар киритилмаганлиги, айниқса, бунинг ҳозиргача амалга оширилмаганлигини кўришимиз мумкин. Ўша даврдаги қонун ости хужжатлари қаторида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини алоҳида тъкидлаш жоиз. Ушбу хужжат натижасида электрон тижоратда фойдаланиладиган шартномаларни электрон шаклда ва бошқа намунавий хужжатлар шаклларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ушбу хужжат орқали электрон тижорат соҳасида электрон шаклдаги шартномаларга қўйиладиган талабларни белгилаш, шунингдек, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон хужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлашнинг ҳуқуқий шартларини белгилаш имкони пайдо бўлди.

Фуқаролик савдосининг, хусусан, электрон тижоратнинг турли жабхаларида АКТни кўллаш соҳасида базавий қонунлар ва алоҳида меъёрий хужжатлар тўплами шаклланган. Шундай қилиб, масалан, узоқ вақт давомида электрон тижоратда тўловларни хужжатлаштиришда (касса аппаратларидан, ҳисоб-китоб терминалларидан чеклар беришда ва ҳоказо) қийинчиликларга олиб келадиган вазият мавжуд эди. Корпоратив банк карталаридан фойдаланишда товар ҳисоб-фактураси илова қилинган ҳисоб-китоб терминалининг асл квитанцияси ёки хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисидаги квитанция талаб қилинади. Маълумки, электрон тижоратда тўловлар асосан воситачилар – электрон чакана тўлов тизимлари, илгари тасдиқловчи сифатида тан олинмаган тўловлар ҳақидаги электрон хабарлар орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, электрон тижорат тўғрисидаги қонун хужжатларини ишлаб чиқишининг биринчи босқичининг дастлабки натижаларини сарҳисоб қилсак, ушбу даврнинг асосий ютуқлари электрон тижоратни ўзига хос “легаллаштириш”, электрон хужжатлар ҳолатини тан олиш бўлди, деган хulosага келишимиз мумкин. Вазифаларнинг долзарблиги билан боғлиқ ҳолда шуни тъкидлаш жоизки, кейинги йилларда республикада барча соҳаларда замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш бўйича кенг қўламли мақсадли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратнинг норматив-ҳуқуқий базасини ривожлантиришнинг янги босқичи кузатилмоқда. Электрон тижорат соҳасида Ўзбекистон Республикасида қўйидаги ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар қабул қилинган:

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Электрон тижорат тўғрисида”ги 792-сонли қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон хужжат айланиши тўғрисида” 29.04.2004 йилда қабул қилинган 611-II-сонли қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.2016 йилдаги 185-сон “Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724 қарори.

Соҳани янада ривожлантириш давлатимиз раҳбарининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [8] қарорида белгиланган вазифалар доирасида амалга оширилди ҳамда 2018-2021-йилларда электрон тижоратни ривожлантириш дастури тасдиқланди[9].

Ўзбекистонда эскроу тизими ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.11.2021 йилдаги “Электрон тижорат маъмурчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси хукуматининг айримқарорларига Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПҚ-14-сон қарори билан амалиётга киритилди. Шубҳасиз эскроу тизимининг амалиётга киритилганлиги жуда катта ютуқ десак адашмаган бўламиз.

Хужжатда кўзда тутилган асосий ўзгаришлар қуйидаги тезисларни ўз ичига олади:

- электрон чеклар, хабарлар ва битим тарафларини аниқлаш имконини берувчи бошқа усуллар товар (хизматлар) учун тўловни тасдиқловчи чеклар, купонлар, чипталар ва бошқа хужжатларга tenglashshirildi;
- эндиликда интернет-дўконларга нақд пул тўловларини харидорга виртуал терминаллар (E-POS) орқали электрон чек ёки бошқа тасдиқловчи хужжатни хизмат кўрсатувчи банкларда инкассация қилиш қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда мажбурий жўнатиш билан қабул қилишга рухсат берилиди;
- юридик шахслар электрон тижоратда товар ва хизматлар учун тўловларни корпоратив карталар орқали амалга ошириш имкониятига эга бўлдилар;
- виртуал терминаллар (E-POS) назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларига tenglashshirildi;
- транспорт воситаси сотувчига ёки етказиб берувчига эгалик, ижара ёки бошқа фойдаланиш хукуқида етказиб берилганда ташиш лицензияси бекор қилинди;
- дори воситалари ва тиббий маҳсулотларни онлайн сотишга рухсат берилиди.

2018–2021-йилларда электрон тижоратни ривожлантириш дастурининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши, шубҳасиз, муҳим қадам бўлиб, бу электрон тижорат субъектлари, хусусан, интернет-дўконлар фаолиятига аниқлик ва ошкоралик олиб келишга хизмат қилди. Тўловларни, электрон чекларни қабул қилиш шартларида тўғри қайд этилган ўзгаришлар, етказиб берилгандан кейин ташиш учун лицензияни бекор қилиш ушбу фуқаролик-хукуқий муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини соддалаштириди.

2022-йил 29-сентябрида “Электрон тижорат тўғрисида”ги ЎРҚ-792-сон Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди. Қонунга кўра, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон тижорат соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланди. Электрон тижоратда сотувчи, хизматларни етказиб берувчи ёки ишларни бажарувчи сифатида иштирок этувчи юридик ёки жисмоний шахслар шунингдек электрон тижоратда товарларнинг



харидори, исте’молчиси сифатида иштирок этувчи юридик ёки жисмоний шахслар электрон тижорат иштирокчилари. Сотувчи электрон тижоратни давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан фаолиятини амалга ошириш хукуқига эга.

Харидор қуйидаги хукуқларга эга:

- шартномалар тузиш орқали товарларни сотиб олиш;
- товарлар, ишлаб чиқарувчи ва товарларни сотиб олишнинг бошқа шартлари тўғрисида тўлиқ ахборот олиш;
- электрон тижорат соҳасида амалга ошириладиган операцияларда иштирок этиш учун шартларнинг тенглигини талаб қилиш;
- ўз хукуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини талаб қилиш.

Электрон тижорат операторлари жумласига қуйидагилар киради:

- телекоммуникация тармоқлари операторлари ва провайдерлари;
- электрон савдо майдончалари операторлари;
- тўловга оид хизматларни етказиб берувчилар;
- электрон тижорат субъектларининг электрон хужжатларини ва электрон хабарларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар. Электрон тижоратдаги хужжатда хужжатни имзолаган шахснинг розилигини ифодалайдиган ҳамда уни идентификация ва аутентификация қилиш имконини берадиган электрон тасдиқлаш усуллари (“SMS”, “FACE-ID” ва бошқалар) ҳам имзо сифатида тан олинади.

“Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунга кўра Электрон тижоратдаги электрон хужжатлар, шунингдек электрон шаклда қайд этилган, ўз юборувчисини идентификация қилиш имконини берадиган ахборот қоғозда расмийлаштирилган ва ўз қўли билан имзоланган хужжатларга тенглаштирилади ҳамда улардан шартнома тузилганлигининг далили сифатида фойдаланилиши мумкин. Шартнома фақат ахборот тизимларидан фойдаланилган ҳолда тузилганлигига асосланиб, ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Электрон тижорат соҳасида тўловлар қуйидаги усуллар билан амалга оширилади:

- нақд пул маблағлари билан – нақд пул маблағлари тўлов воситаси тарзида виртуал терминаллар (“E-POS”) орқали қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган хужжатларни ҳамда сотувчи ва сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги ахборотни ўзида акс эттирадиган хужжатларни харидорга тақдим этиш орқали;
- пул маблағларини банк ҳисобварағидан ўтказиш орқали пул маблағларини банк ҳисобварағидан (шу жумладан банк карталарининг ҳисобварағидан) ўтказиш воситасида, шу жумладан шахсий кабинет (масофадан хизмат қўрсатиш тизими) орқали ёки тўлов ташкилотининг тизими орқали ўтказиш воситасида;
- электрон пуллардан фойдаланган ҳолда электрон пуллар тизимида очилган электрон ҳамёндаги пул маблағларини ўтказиш воситасида.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат қисман тартибга солинган. Электрон тижорат соҳасидаги айrim жиҳатларни тартибга солишда қонунчиликнинг муайян кетма-кетлиги мавжудлигига қарамасдан, қонунчилик вужудга келаётган тадбиркорлик муносабатларининг ривожланишига



тўлиқ мос келмаётганини тан олиш керак. Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш йўлидаги хукуқий тўсиқлар қаторида, бизнинг фикримизча, биринчи навбатда, тегишли қонун хужжатларининг сезиларли тарқоқлигини қайд этиш лозим. Бундан ташқари, кўриб чиқилаётган юридик институтнинг ривожланишига аниқ тўсиқ бўлиб, фуқаролик–хукуқий битимларни АКТ орқали амалга оширувчи истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилишининг хукуқий механизмларининг йўқлиги ҳисобланади. Шубҳасиз, электрон тижорат соҳасидаги жамоатчилик муносабатларини хукуқий тартибга солишининг энг қисқа йўли амалдаги қонун хужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдир.

Шунингдек, COVID–19 пандемияси шароитида замонавий жамият томонидан тўплланган тажрибага қайтадиган бўлсак, электрон тижорат соҳасида норма ижодкорлигини ривожлантириш бўйича кейинги стратегияни ишлаб чиқиши зарурлигини таъкидлаб ўтмасдан бўлмайди. Бизнинг фикримизча, бу ерда қуйидаги йўналишларни амалга ошириш мухим:

- миллий қонунчиликни жаҳон хукуқий инфратузилмасига интеграция қилиш, электрон тижорат соҳасидаги миллий қонунчиликни унификациялаш ва уйғунлаштириш, бу борада илғор хорижий тажрибани жорий этиш;
- тадбиркорлик муносабатларида профессионал иштирокчилар манфаатлари мувозанатини сақлаган ҳолда, электрон тижоратда истеъмолчиларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишининг замонавий механизмларини жорий этиш;
- электрон тижоратни амалга оширишда шахсий даҳлсизлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилишининг қонунчилик кафолатларини таъминлаш.

Ушбу таклифлар, бизнинг фикримизча, қонун чиқарувчи томонидан яқин келажакда мавжуд хукуқий бўшлиқларни тўлдириш мақсадида амалга оширилиши мумкин, бу эса Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни хукуқий қўллаб-куватлаш сифатини ошириш, шунингдек, электрон тижоратни ҳимоя қилиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. <https://optinmonster.com/online-shopping-statistics/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60–сон Фармони // <https://lex.uz/pdfs/5841063>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020–йил 28–апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукumatни кенг жорий этиш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4699–сон қарори // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2020 йил – 29 апрель. – № 07/20/4699/0520.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ти 2004 йил 29 апрелдаги 613–II–сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2004. – 20–сон.



5. Kholmurodov N. B., Mukhtorova M. A. (2021). Electronic commerce and prospects for its development. Innovative Economics: Prospects for Development and Improvement, 1 (7 (33)), 86-90.
6. Гулямов С.С., Рустамбеков И.Р., Нарзиев О.С., Худайберганов А.Ш. Проект концепции Республики Узбекистан в области развития искусственного интеллекта на 2021-2030 годы // Юриспруденция. 2021. №1. – С.107-121.
7. Топилдиев В. “Фукаролик хукуқи”. I қисм. “Университет”. –Т.: 2014.–288 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018–йил 14–майдаги “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 3724–сон қарори // Миллий маълумотлар базаси қонунчилик. – 2018 йил – 15 май. – № 07/18/3724/1261.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги 3724–сон қарорига илова // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2018 йил – 15 май. – № 07/18/3724/1261.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 ноябрдаги ПҚ-14-сон қарори. // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2021 йил – 17 ноября.